



2020 йил 18 Мав

№ 721

**“YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш
кооперативига ишсиз ёшларни бандлигини
таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштириш учун ер
майдонлари ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти» тўғрисидаги Қонунининг 6-10-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни ва “Ер Кодекси”га асосан “YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш кооперативининг ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобидан ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризаси ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг хулосаси, қишлоқ хўжалигига оид ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси хулосасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигига оид ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 18.05.2020 йилдаги хулосаси тасдиқлансин.

2. “YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш кооперативига ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун туман захира ер майдонлари ҳисобидаги А.Бозорбоши ММТП ҳудуди ДЗЕ 4-участкаси қишлоқ хўжалиги харитасининг № 292-контурида жойлашган жами: 15.0 гектар шундан 15.0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган янгидан ўзлаштиришга киритиладиган ер майдонлари 50 (эллик) йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Ражабов)га:

- “YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш кооперативига ер майдонларини жойида ўлчаб бериш, ер кадастр ҳужжатларини тайёрлаш;

- ер участкасига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш;

-ер участкаларини узок муддатга ижарага бериш шартномасини тузиш;
-ердан фойдаланишни доимий назорат қилиш вазифалари юклансин.

4. Туман Давлат солиқ инспекциясига (Ж.Қўчқаров)га:

- “YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш кооперативига ажратилган ер майдонларига нисбатан солиқлар белгилаш ва фаолиятини назорат қилиш вазифаси юклансин.

5. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи (Б.Валиев)га:

-“YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш кооперативига ажратилаётган ер майдонларига 2020 йил ҳосили учун амалга оширилган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор тасдиғи туман халқ депутатлари кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев

Ўзбекистон тумани хокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг

ДАЛОЛАТНОМА

18.05.2020 йил

Яйпан шаҳри

“YOSHLAR 21 ASR” ишлаб чиқариш кооперативига ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун туман захира ер майдонлари ҳисобидаги А.Бозорбоши ММТПИ худуди ДЗЕ 4-участкаси қишлоқ хўжалиги харитасининг № 292-контурида жойлашган жами: 15.0 гектар шундан 15.0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган янгидан ўзлаштиришга киритиладиган ер майдонлари 50 (элик) йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилса мақсадга мувофиқ деб топилди.

Комиссия раиси:

Қ.Джураев

Комиссия раиси ўринбосари:

Д.Қодиров

Комиссия котиби:

А.Ражабов

Комиссия аъзолари:

О.Вахобов

А.Сулаймонов

А.Маликов

Н.Мамадалиев

О.Абдуллаев

Ғ.Хамракулов

С.Юлдашев

И.Юлдашев





Yaypan sh. A.Navoiy k.si.
Tel/faks: 53-92-104, 53-92-361

Яйпан ш. А.Навоий к.си
Тел/факс: 53-92-104, 53-92-361

«18» 05 2020 йил

№ 07104-151 Яйпан шаҳар

Ўзбекистон туман хокими

Қ.Джураевга

Нусхаси: “YOSHLAR 21ASR” ИЧК

раҳбари И.Юлдашевга

Туман хокимлигида 11.05.2020-йилдаги № 567-сон билан кайд этилган “YOSHLAR 21ASR” ИЧК раҳбари И.Юлдашевнинг туман хокими номига ёзган аризаси юзасидан

МА Ё Л У М О Т Н О М А .

“YOSHLAR 21ASR” ИЧК раҳбари И.Юлдашевнинг туман хокими номига ёзган аризасида тумандаги ишсиз ёшларни иш билна таъминлаш мақсадида туман худудидан туман захирасидаги ер майдонларини ажратиб беришни сўраган.

Аризани мутахассилар томонидан жойига бориб ўрганилганида, сўралган ер майдони А.Бозорбоши ММТП худуди ДЗЕ 4-участкаси қишлоқ хўжалиги харитасининг № 292-контурида жойлашган жами 15.0 гектар шундан 15.0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган янгидан ўзлаштиришга киритиладиган ер майдонлари 50 (эллик) йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилса мақсадка муофиқлигини маълум қиламиз.

Туман Ер ресурслари ва давлат
кадастри булими бошлиғи:



А.Ражабов



Яйпан шаҳар Зийокор кучаси 108 уй
108 уй

тел: 53 93 238 факс: 53 93 238
Yaypanshaxar Ziyokorko'chasi
tel: 53 93 238 faks: 53 93 238

13 май 2020 йил

Яйпан шаҳри

Ўзбекистон тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши

ХУЛОСАСИ №132

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2017-йил кунги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”ги 3318-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида яшовчи фуқаро Юлдашев Исломжон Мусажон ўғлининг тумани ҳокимлигидан 11.05.2020-йил кунги №567-сон билан рўйхатдан ўтган аризасига асосан А.Бозарбоши ММТП худидида жойлашган Д 3 Е 4-участкасидаги қишлоқ хўжалиқ харитасининг №292к-котирида жойлашган янгидан фойдаланишга киритиладиган ер майдонидан ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хажмини ошириш мақсадида боғдорчилик фермер хўжалиғи ташкил қилиш учун 15 га ер майдони сураб қилган аризасини ўрганиш якуни бўйича тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан қуйидаги хулосага келинди.

Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида яшовчи фуқаро Юлдашев Исломжон Мусажон ўғли ишсиз бўлган ёшларни бандлигини таъминлаш йўналишида боғдорчилик фермер хўжалиғи ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2003 йил кунги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжалиқларига узок муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низомига мувофиқ, тумани ҳокимлиғи ҳузурида ташкил қилинган ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини куриб чиқувчи комиссия томонидан ўтказиладиган танловда иштирок этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса қилади:

1. Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида яшовчи фуқаро Юлдашев Исломжон Мусажон ўғли тумани ҳокимлигидан 11.05.2020 йил куни 567-сон билан рўйхатдан ўтган ишсиз бўлган ёшларни бандлигини таъминлаш йўналишида фермер хўжалиғи ташкил қилиш хақидаги аризаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;
2. Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида яшовчи фуқаро Юлдашев Исломжон Мусажон ўғли ишсиз бўлган ёшларни бандлигини таъминлаш йўналишида боғдорчилик фермер хўжалиғи ташкил қилиш учун тумани танлов комиссиясида катнашиш мақсадга мувофиқ деб топилсин;
3. Мазкур хулосани тасдиғини ва юқорида кўрсатилган ер майдонларини И.Юлдашевга ажратиб бериш масаласи тумани ҳокимлиғи ҳузуридаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиясидан сўралсин.

Ўзбекистон тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:

Н.Мамадалиев

Бажарувчи

Х.Пўлатов

